#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

## 576 Термиз давлат университети хузурида «Амударё» спорт-согломлаштириш марказини барпо этиш чоратадбирлари тўгрисида

Ёшларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кучайтириш, талаба ёшларни спортга жалб этиш тизимини такомиллаштириш ҳамда уларга дарсдан бўш вақтларида спорт билан шуғулланишларига имконият яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:** 

- 1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Сурхондарё вилояти хокимлигининг Сурхон дарёси сохили худудида Термиз давлат университети хузурида давлат унитар корхонаси шаклида «Амударё» спорт-соғломлаштириш марказини (кейинги ўринларда Спорт-соғломлаштириш маркази деб аталади) ташкил этиш тўгрисидаги таклифига розилик берилсин.
- 2. Сурхондарё вилояти хокимлиги, Ўзбекистон Республикаси «Давархитекткурилиш» кумитаси, Молия вазирлиги ва Иктисодиёт вазирлиги:

Спорт-соғломлаштириш марказини барпо этиш учун Сурхон дарёси сохилига туташ худуддан шахарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ ер майдонини белгиланган тартибда ажратсинлар;

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й.



худудда тозалаш, мавжуд бино ва иншоотларни бузиш, вертикал режалаштириш, ҳар бир бино учун (биринчи қудуққа қадар) ташқи муҳандислик тармоқларини (ичимлик ва оқова сув тармоқлари), автомобиль йуллари ва автомобиллар туҳтаб туриш жойларини (инфратузилма ишлари билан) қуриш ишларини амалга оширсинлар.

- 3. Спорт-согломлаштириш маркази объектларини лойихалаштириш ва куриш ишлари (шу жумладан лойихалаш ва пудрат ташкилотлари, молиялаштириш манбалари ва курилиш муддатлари) билан боглик чора-тадбирлар режаси иловага мувофик тасдиклансин.
- 4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобидан Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида қурилиши белгиланган ёпиқ сузиш ҳавзасини Спорт-соғломлаштириш маркази ҳудудига кўчириш ва 2016 йил август ойигача фойдаланишга топшириш бўйича 2015 йилги манзилли дастурларга тегишли ўзгартиришлар киритсин ҳамда 2016 йилги манзилли дастурларни шакллантириш жараёнида Шўрчи туманида ёпиқ сузиш ҳавзаси қурилишига қўшимча маблағ ажратишни назарда тутсин.
- 5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Спорт-соғломлаштириш маркази худудида канал ўзанини ҳамда ўзан сув оқимини мувофиқлаштирувчи иншоотни (шу жумладан 3 та кўприк билан бирга) барпо этиш бўйича 2015-2016 йилларда сув хўжалиги объектларини қуриш манзилли дастурига тегишли ўзгартиришлар киритсин.
- 6. «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти Спорт-соғломлаштириш маркази объектларини электр энергияси билан таъминлаш учун юқори кучланишли кабел тармоқларини ва 2 та трансформатор пунктини ҳамда ҳар бир объект ва иншоотгача паст вольтли электр кабеллари ўтказишни лойиҳалаш ва қуриш ишларини Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 декабрдаги 294-сон қарори билан тасдиқланган 2011 2015 йиллар учун паст вольтли электр тармоқларини замонавийлаштириш ва янгилаш дастури доирасида амалга оширсин.
- 7. «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси Спорт-согломлаштириш марказидаги объектларни газ билан таъминлаш учун қурилиш-монтаж ишларини ва уни лойиҳалаш ишларини ӱз маблаглари ҳисобидан бажаришни таъминласин.
  - 8. Спорт-соғломлаштириш маркази объектларини қуриш буйича:

Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси — буюртмачи этиб;

- «Ўзшахарсозлик ЛИТИ» давлат унитар корхонаси бош лойихалаш ташкилоти этиб белгилансин.
- 9. Сурхондарё вилояти хокимлигига Спорт-согломлаштириш маркази объектларини қуриш лойиҳа-смета ҳужжатларини қурилиш-монтаж ишлари билан бир вақтда ишлаб чиқишга, 2015 йил 31 декабргача истисно тариқасида руҳсат этилсин.



#### 45 (701)-coн — 13 — 576-модда

- 10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамияти, буюртмачи ва лойиҳалаш ташкилотининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан, тўгридан-тўгри шартномалар асосида, тартибга солинадиган нархлар бўйича Спорт-согломлаштириш маркази объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва унинг ҳудудларини ободонлаштириш учун цемент ва металл прокати ажратилишини таъминласинлар.
- 11. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қумитаси лойихасмета хужжатларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан утказишни ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бажариш сифати юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини белгиланган тартибда таъминласин.
- 12. Мазкур қарорнинг иловасида келтирилган объектлар (хусусий тадбиркорлик субъектлари маблағлари хисобига қурилган объектлардан ташқари) қурилиши якунлангандан сўнг уларнинг тезкор бошқарув хукуқи билан Спорт-соғломлаштириш марказига берилиши белгилаб қўйилсин.
- 13. Термиз давлат университети Сурхондарё вилояти хокимлиги билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза килиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишган холда, бир ой муддатда Спорт-согломлаштириш марказининг рахбарини тайинласинлар ва ходимлари штат жадвалини хамда уларнинг мехнатига хак тўлаш микдорлари ва шартларини тасдикласинлар.
- 14. Белгилаб қуйилсинки, Спорт-соғломлаштириш маркази таъминоти харажатлари тижорат фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар курсатишидан тушадиган маблағлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик маблағлари, халқаро молия институтлари, хорижий хукумат ва донор ташкилотлари грантлари, шунингдек қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан амалга оширилади.
- 15. Спорт-соғломлаштириш марказининг тасдиқланган бош режасига қатъий амал қилган ҳолда, унинг ҳудудида ҳусусий тадбиркорлик субъектларига ўз ҳисобларидан умумий овқатланиш шохобчалари, истеъмол моллари дуконлари, савдо шохобчалари ва бошқа бозор инфратузилмаси объектларини қуриш, улардан белгиланган тартибда фойдаланиш учун рухсат берилсин.
- 16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б.Ю. Ходиев ва Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

### **Узбекистон Республикасининг Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2015 йил 6 ноябрь, 322-сон



Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 322-сон қарорига ИЛОВА

# Термиз давлат университети хузуридаги «Амударё» спорт-согломлаштириш маркази объектларини лойихалаштириш ва қуриш ишлари (шу жумладан қурилиш ташкилотлари, молиялаштириш манбалари ва қуриш муддатлари) билан боглиқ ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

| T/p   | Қурилиши белгиланган объект номи  | Молиялаштириш манбаи  | Пудрат ташкилотлари<br>номи*  | Бажариш муддати  |  |  |  |  |
|---|---|---|---|--|--|--|--|--|
| I. Ташкилий-тайёргарлик ва техник тадбирларни амалга ошириш |   |   |   |  |  |  |  |  |
| 1.  | Ер майдони ажратиш, худудни тозалаш, у ердаги мавжуд биноларни бузиш ва вертикал режалаштириш ишларини амалга ошириш.   | Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, Жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар | «Узундавсувмахсус-<br>пудрат» ДУК                                   | 2015 йил<br>15 ноябрь  |  |  |  |  |
| 2.  | Объектларнинг лойиҳа-қидирув ишларини бажариш, жумладан: топогеодезик тасвирга олиш; геология-қидирув ишларини бажариш; бош режа тайёрлаш; лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиҳиш. | Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, бино, иншоот ва объектлар эгалари маблағлари  | Лойиҳа ташкилоти —<br>«Ўзшаҳарсозлик-ЛИТИ»<br>ДУК, «Ўзсувлойиҳа» АЖ | Қурилиш-монтаж<br>ишлари билан<br>параллел равишда<br>30 ноябргача |  |  |  |  |
| 3.  | Дарё сувини бир меъёрда тақсимлаш имконини берадиган (ён деворлари ва туби) бетонланган ўзан ва кўприкларни барпо этиш  | Инвестиция дастури доирасида  | «Узундавсувмахсус-<br>пудрат» ДУК                                   | 2016 йил<br>1 июль   |  |  |  |  |
|   | II. Ташқи мухандислик коммуникацияларини қуриш  |   |   |  |  |  |  |  |
| 4.  | Марказ худудини электр энергияси билан таъминлаш (юқори кучланишли тизими ва трансформатор пунктини қуриш, паст кучланишли кабель тармоқларини ўтказиш).                          | «Ўзбекэнерго» АЖ маблаглари<br>(Вазирлар Махкамасининг 2010 йил<br>13 декабрдаги 294-сон қарори билан<br>тасдиқланган дастур доирасида)                                     | МК-6 корхонаси  | 2015 йил<br>25 декабрь   |  |  |  |  |
| 5.  | Объектлар учун ташқи газ тармоқлари қуриш.  | «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси ўз<br>маблағлари  | «Ўзтрансгаз» АК тизимидаги ташкилотлар                              | 2015 йил<br>25 декабрь   |  |  |  |  |
| 6.  | Худудни ичимлик сув ва оқова сувлар (канализация) тизими билан таъминлаш ҳамда канализация насос станцияси қуриш.   | Инвестиция дастури доирасида  | «Ғаффор» хусусий корхонаси  | 2016 йил<br>10 март  |  |  |  |  |



Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

| T/p  | Қурилиши белгиланган объект номи   | Молиялаштириш манбаи   | Пудрат ташкилотлари<br>номи*                      | Бажариш муддати        |  |  |  |
|--|--|--|---|------------------------|--|--|--|
| III. Спорт-соғломлаштириш ҳамда маънавият ва маърифат объектларини қуриш |  |  |   |                        |  |  |  |
| 7.   | 25 x 12 ўлчамли ёпиқ сузиш ҳавзасини тегишли инфратузилма иншоотлари билан қуриш   | Болалар спортини ривожлантириш<br>жамғармаси маблағлари  | «Fаффор» хусусий<br>корхонаси                     | 2016 йил<br>10 июнь    |  |  |  |
| 8.   | 200 ўринли болалар соғломлаштириш оромгохи ва соғломлаштириш маркази қуриш.  | Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси<br>Кенгаши маблаглари  | «Kasaba qurilish ta'mir»<br>корхонаси             | 2016 йил<br>20 декабрь |  |  |  |
| 9.   | Куйидаги очик спорт майдончаларини куриш: 4 та кичик (мини) футбол майдони; 2 та волейбол майдони; 2 та баскетбол майдони; 2 та кум копламали теннис корти; 2 та махсус «хард» копламали теннис корти; очик сузиш хавзалари. | Маҳаллий бюджет маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар  | Тадбиркорлар ёки<br>«Ғаффор» хусусий<br>корхонаси | 2016 йил<br>20 май     |  |  |  |
| 10.  | «Ат-Термизий номидаги» Ахборот-ресурс маркази биносини куриш ва унга алоқа-коммуникация тармоқларини ўтказиш.  | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги ташкилотлар маблағлари   | «Ғаффор» хусусий<br>корхонаси                     | 2016 йил<br>20 май     |  |  |  |
| 11.  | Инфратузилма биноларини қуриш (маҳалла фуқаролар йиғини биноси, милиция таянч пункти, тиббиёт пункти).   | Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари  | «Ғаффор» хусусий<br>корхонаси                     | 2016 йил<br>20 май     |  |  |  |
|  | IV. Бозор ин   | фратузилмаси объектларини куриш  |   |                        |  |  |  |
| 12.  | Умумий овқатланиш ва савдо шохобчалари (ресторан, кафе, чойхона, ёзги салқин ичимликлар, музқаймоқ дўконлари) ҳамда бошқа бозор инфратузилмаси объектларини қуриш.   | Хусусий тадбиркорлик субъектлари<br>маблағлари   | Тадбиркор ёки<br>«Ғаффор» хусусий<br>корхонаси    | 2016 йил<br>25 июль    |  |  |  |
| 13.  | Кичик нон тайёрлаш цехи (нон сотиш шохобчаси билан) куриш.   | «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси маблағлари  | «Профгрупп» МЧЖ                                   | 2016 йил<br>20 июль    |  |  |  |
|  | V. Ташқи қурилмалар объектл  | арини қуриш ва ободонлаштириш ишларини   | бажариш   |                        |  |  |  |
| 14.  | Спорт-соғломлаштириш марказига кириш қисмларини қуриш<br>ҳамда унинг ҳудудини металл панжаралар билан ўраш.  | Термиз давлат университетининг бюджетдан ташқари маблағлари, Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар | «Ғаффор» хусусий<br>корхонаси                     | 2015 йил<br>30 декабрь |  |  |  |
| 15.  | Спорт-соғломлаштириш марказига кириш қисмлари ёнида автомобиль турар жойлари қуриш.  | Жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия<br>маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида<br>тақиқланмаган бошқа манбалар  | «Ғаффор» хусусий<br>корхонаси                     | 2016 йил<br>10 август  |  |  |  |
| 16.  | Ташқи қурилмалар ва кичик архитектура шакллари:<br>ёзги ахборот маркази;<br>ёзги айвончалар;   | Термиз давлат университетининг бюджетдан ташқари маблағлари, Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси   | «Ғаффор» хусусий<br>корхонаси                     | 2016 йил<br>10 июль    |  |  |  |



Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

| T/p | Қурилиши белгиланған объект номи   | Молиялаштириш манбаи   | Пудрат ташкилотлари<br>номи*  | Бажариш муддати     |
|-----|--|--|-------------------------------|---------------------|
|     | ҳожатхоналар;<br>фавворалар;<br>скамейкалар, урналар ва б.   | маблағлари ва қонун хужжатларида<br>тақиқланмаган бошқа манбалар   |                               |                     |
| 17. | Худудни ободонлаштириш: асосий йўллар; сайр йўлакчалари; ташқи ёритиш тизимлари; ёмғирлатиб суғориш тизимлари; ҳудудни қўкаламзорлаштириш. | Термиз давлат университетининг бюджетдан ташқари маблағлари, Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар | «Ғаффор» хусусий<br>корхонаси | 2016 йил<br>20 июль |

<sup>\*</sup> Объектларга бириктирилган пудрат ташкилотлари томонидан ишлар суст ёки сифатсиз даражада олиб борилган такдирда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда, мазкур объектларга пудрат ташкилотларини тендер савдолари ўтказмасдан, энг маҳбул таклиф танлови орҳали танлаб бириктиришлари мумкин.

